

**Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигининг 2024 йилда
амалга оширган ишлари юзасидан
ҲИСОБОТ**

1. Бутунжаҳон антидопинг агентлиги (WADA) Осиё ва Океания минтақалари спортда допингга қарши кураш бўйича 19- ҳукуматлараро вазирлар йиғилиши 2024 йил **22-23 май** кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилди. Тадбирда жами 34 та давлатдан 83 нафар соҳа мутахассислари, WADA раҳбарияти, спорт вазирлари ва антидопинг агентлиги раҳбарлари иштирок этдилар. Тадбир давомида WADA ва Ўзбекистон антидопинг агентлиги ўртасида **Меморандум** имзоланди.

2. 2024 йил 6 ноябрь куни “Ўзбекистонда антидопингга қарши кураш: эришилган натижалар, ахлоқий, ҳуқуқий ва тиббий жиҳатлар” мавзусида онлайн ва офлайн режимида халқаро конференция ташкил қилинди. Туркия, Корея, Литва Польша ва Қозоғистон антидопинг соҳаси етук мутахассислари иштирок этган тадбирда спорт федерациялари ҳамда Республикамиздаги барча спорт муассасаларидаги тиббиёт ходимлари, мураббий, спорт ҳуқуқшунослари ва антидопинг бўйича жами 360 нафар мутахассислар иштирок этди.

3. Туркия ва Литва антидопинг агентликлари билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланди, ушбу шартномаларга асосан, кадрлар тайерлаш, малака ва тажриба алмашиш, илм ва инновацион ендашувлар асосида антидопинг таълим тизимини такомиллаштириш, миллий антидопинг қонунчиликга қўшимчалар киритиш ва тақиқланган моддалар бўйича қўшма грантлар ўтказиш бўйича келишилди.

4. Шунингдек, 2024 йилда **13 нафар** агентлик мутахассислари Франция, Япония, Хиндистон, Корея, Литва ва Туркия давлатларида малака ошириш курсларида ва семинарларда иштирок этди.

5. Корея антидопинг агентлиги (KADA) мутахассислари томонидан икки томонлама меморандум асосида 5-7 ноябрь кунлари агентлик ходимларини малака ва тажрибасини оширилди.

6. Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Ешлар ишлари ва спорт қўмитаси таклифига биноан, агентлик мутахассислари тожик миллий антидопинг агентлиги ходимлари, мураббий ва шифокорлар учун 2 кунлик семинар тренинг ўтказилди.

7. Халқаро тест агентлиги (ITA) томонидан Агентлик ходимларидан **3** нафари ўқув курсини муваффақиятли якунлаб, сертификат тақдим қилинди. Бугунги кунда агентликни **6** нафар ходимларига ушбу сертификат берилган ва улар халқаро мусобақаларда қатнашиш имкониятига эга бўлди. Волентерлар

орасидан иқтидорли ёшлардан **30 нафар**и танлаб олиниб, “допинг офицер ходими”га ўқитилди ва сертификат берилди.

5. Тошкент Давлат юридик университети, Тошкент фармацевтика институти ва Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети билан ўзаро ҳамкорлик туғрисида меъморандум имзоланди ва биргаликда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, Олий таълим муассасаларида “антидопинг таълими” буйича ўқув дарслари амалиётга жорий этиш буйича 2025 йил февраль-апрель ойлари Тошкент Давлат юридик университетининг 5 нафар битирув курси талабалари малака оширади.

II. Париж-2024 Ёзги олимпия ва паролимпия ўйинларига тайергарлик куриш мақсадида, лицензиат спортчиларга индивидуал тартибда антидопинг таълимоти бўйича семинарлар ташкил қилинди. Барча спорт федерациялари ва ассоциацияларида фаолият юритаётган спорт шифокорлари ва мураббийларига антидопинг таълимоти бўйича семинар, вебинар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Республикамизда фаолият юритаётган федерация (ассоциация)ларнинг спортчи, спорт шифокорлари ва мураббийларига антидопинг таълимоти бўйича семинарлар 2024 йил давомида **25** маротаба семинар ва вебинарлар ўтказилди.

Спортчилар учун talim-uznada.uz (антидопинг таълимоти) ва dori-uznada.uz (спортда тақиқланган дори воситаларини текшириш) электрон платформалари ўзбек, рус ва инглиз тилларида яратилди ва фойдаланишга топширилди ва йил давомида **4186** нафар спортчилар talim-uznada.uz платформасида ўқув курсини якунлаб сертификатлар берилди. Республикамиз ҳудудлардаги **жами 301** та спорт муассасаларидан **2855** нафар мураббий ва тиббиёт ходимларига платформалардан фойдаланиш бўйича ўқув семинарлари ташкил қилинди.

Ўзбекистонда рўйхатга олинган дори воситаларидан таркибида спортда тақиқланган **5604** турдаги дори воситалари бўйича тегишли муҳим маълумотлар dori-uznada.uz (спортда тақиқланган дори воситаларини текшириш) электрон платформасига киритилди.

III. “2024 йилда тақиқланган моддалар ва усуллар рўйхатига киритилган асосий ўзгаришлар ва уларнинг изоҳлари” ўзбек ва рус тилларига, Спортда допингга қарши кураш учун шифокор амалиётида учрайдиган дори воситаларининг долзарб масалаларига оид “Рухсат этилган рўйхат”ни каби ўқув қўлланмалар чоп этилиб, спорт муассасаларига юборилди

Терапевтик, истиснолар бўлимига спортчилар томонидан спортда тақиқланган моддалар ва усуллардан терапевтик истисно тарзида фойдаланиш бўйича топширилган **8та** ариза кўриб чиқилиб, тегишли тартибда **6та**

спортчиларига берилган хулосаларга кўра, спортда тақиқланган моддалардан терапевтик мақсадда фойдаланиш учун терапевтик истисно рухсати берилди.

IV. Антидопинг маълумотларини тўплаш ва мониторинг тизими (АДАМС) бўйича 2024 йилда **198** нафар спортчилар тизимда рўйхатдан ўтказилди ва мониторинг қилинди. Йил давомида **23** нафарига огохлантириш берилди ва тақиқланган модда аниқланган **5** нафар спортчига дисквалификация жазоси қўлланилди. Антидопинг қоидабузарлиги жазоси муддати тугаган **4** нафар спортчига, спортга қайтишда амалий ёрдам курсатилди.


Спортчиларга мунтазам равишда АДАМС тизимидан фойдаланиш ва талаб қилинган маълумотларни қиритиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Огохлантириш берилган спортчилар билан қўшимча тушунтириш ишлари олиб борилди ва уларга АДАМС тизимидан фойдаланиш тўғрисида тренинглар ўтказилди.

V. 2024 йил давомида Олимпия ва ноолимпия спорт турлари бўйича федерация (ассоциация) спортчиларидан мусобақа давомида ҳамда мусобақадан холи вақтларда, мунтазам равишда допинг синамалар олиниб, тахлиллари назорат қилиб келинди. Жумладан йил давомида режа асосида **700** та допинг синама олиш режалаштирилган бўлиб, **39** та спорт туридан жами олинган допинг синамалар **862** тани (**123%**) ташкил қилди. Шундан **541** таси мусобақадан ташкил қилди.

VI. 2024 йил давомида Агентлик фаолиятини ёритиш ва тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида, Агентлик расмий веб-майти ва ижтимоий тармоқлари орқали **310** та мақола жойланди ва **2** та **брифинг** ўтказилди. Жорий йилнинг 23 май куни WADA президенти В.Банка ва Спорт вазири А.Икромов иштирокида 19-хукуматлараро Осиё ва Океания мамлакатлари вазирлари йиғилиш натижаларига бағишланган **брифинг** ўтказилди.

Шунингдек, **30** та видеороликлар тайёрланди ва ижтимоий тармоқлар орқали намоёиш этилди. Телеграм мессенжери орқали ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 14:00 да **онлайн мулоқот** ташкил этилди ва унда республикамизнинг барча ҳудудларидан спортчи, мураббий ва спорт шифокорлари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Миллий антидопинг
агентлиги директори



А.Садиқов